

Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳнинг Термиздаги зиёратлари ўз якунига етди



17:54 / 05.10.2019 2349

Мавлоно баҳрул улум Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Ўзбекистон бўйлаб зиёратни бошлаганликлари ҳақида хабар берган эдик.

Кеча 2019 йил 5 октябрь куни Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизаҳуллоҳ Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида жойлашган Имом Абу Исо Термизий ҳазратларининг зиёратларида бўлдилар. Улуғ меҳмонлар зиёрат қилиш жараёнида Имом Абу Исо Термизий ҳазратларининг таълиф қилган китобларидан, «Сунани Теримизий» дан биринчи ҳадисни мутолаа қилдилар.


Ҳазрати Ақдас Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий даамат баракатухум Дорул улум Девбанднинг улуғ ҳадисшунос устозларидан ҳисобланади. Бу илм даргоҳида Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий улуғ 86 ёшга тўлган бўлсаларда 20 ёшларидан бошлаб Имом Термизийдан дарс бериб келмоқдалар.

Шундан сўнг зиёратгоҳ ёнида қад ростлаган масжидда меҳмонлар аср намозини ўқишди. Аср намози адо этилгач Сурхондарё вилоятидаги кейинги маскан Термиз шаҳрида жойлашган Ҳаким Термизий ҳазратларининг зиёратлари бўлди. Бу ерда Қуръони карим тиловат қилинди ва жамоат билан шом намози адо этилди.

Ушбу зиёратдан сўнг баҳрул улум Мавлоно Неъматуллоҳ Аъзамий ҳафизахуллоҳнинг Сурхондарё вилоятидаги зиёратлари ўз якунига етди. Меҳмонларнинг Ўзбекистон бўйлаб зиёратлари давом этмоқда.













Islom.uz портали